Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

● 2012-yil, 27-mart. Seshanba ● 41 (31.473) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

2012 йил 24 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Сенаторлар ялпи мажлиснинг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини муҳокама қилишдан бошладилар. Мажлисда ҳисобот даврида прокуратура органлари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш юзасидан катта иш амалга оширилганлиги қайд этилди.

Прокуратура органлари олдига қўйилган вазифаларни бажариш юзасидан қонунларнинг ижро этилиши бўйича 26773 та текширув ўтказилди, текширишларнинг натижалари бўйича деярли 320 мингта прокурор назорати ҳужжати қўлланилди, 55 минг нафардан ортиқ фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари қайта тикланди.

Прокуратура органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қонунни бузиш ҳолларини бартараф этиш бўйича 5 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжати қўлланилди. Прокурор назорати ҳужжатлари билан 1639 та тадбиркорлик субъектининг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан тасдиқланган 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тармоқларда ва минтақалар бўйича ижро этиш юзасидан прокурор назорати тадбирлари мунтазам ўтказиб борилди.

Ҳисоботни муҳокама қилиш вақтида сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни таъминлаш борасидаги фаолиятини, шунингдек, фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги қонун ҳужжатларини ижро этиш устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор тавсия ва таклифлар баён этилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб, муҳокама қилдилар. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўтган давр мобайнидаги фаолиятини кўриб чиқар эканлар, сенаторлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлашга, мамлакатда экологик вазиятни соғломлаштиришга йўналтирилган тадбирларнинг муҳимлигини кўрсатиб ўтдилар. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури тадбирлари бажарилишининг бориши устидан назоратни амалга оширишга алоҳида эътибор берилди.

Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан мамлакатда экологик вазиятни яхшилаш бўйича табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилиши натижасида ифлослантирувчи моддаларни атмосферага чиқариш 5,2 минг тоннадан кўпроқ миқдорда қисқартирилди, 61,18 мингта автомобиль газ ёқилғисига ўтказилди, Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида кон ишларини олиб бориш натижасида бузилган 273,73 гектар рекультивация қилинган ерлар фойдаланишга қайтарилди. Навоий, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Қашқадарё вилоятларидаги ижтимоий аҳамиятга молик объектларда энергиянинг қайта тикланадиган манбаларини жорий этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Айни вақтда 2012 йилда ва келгусида экологик хавфсизликни таъминлаш учун комплекс тадбирлар ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини талаб қиладиган айрим камчилик ва нуқсонлар ҳам қайд этилди.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини тингладилар. Муҳокама жараёнида қайд этилганидек, ўтган йилда Адлия вазирлиги томонидан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси томонидан 2011 йилда 23 та давлат органи тизимида 39 та ўрганиш ўтказилган бўлиб, уларнинг натижалари бўйича ушбу органлар ишида қонун ҳужжатлари сўзсиз ижро этилишига, норма ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлигини, давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар кўрилди.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Озарбойжон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Шерзод Мирагламович **Файзиев** Ўзбекистон Республикасининг Озарбойжон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси лавозимига тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И.СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 24 март.

ЎзХДП МК VI ПЛЕНУМИ

2012 йилнинг 29 март куни Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг **VI пленуми** бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «**2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади»** мавзусидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинади.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, минтақавий кенгашлар раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия фракцияси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, экспертлар ва ОАВ вакиллари иштирок этади.

ЎзХДП МК Матбуот хизмати

Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази

Халқимиз азалдан ўз тақдирини маҳалла билан боғлаган. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривож топган сари турмушда маҳалланинг мавқеи ортмоқда. Давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепцияда маҳаллани аниқ йўналтирилган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига айлантиришга алоҳида урғу берилган.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Мустаҳкам оила йили муносабати билан **«Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази»** деб номланган туркум тадбирлар ўтказишни режалаштирган. Шу кунларда унинг биринчи босқичи амалга оширилмоқда.

Муродбек ЗИЁ олган суратлар.

ҲАМКОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУР

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Шиблий номли маҳаллада ташкил этилган давра суҳбати ҳам шулар жумласидандир. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, партиянинг Тошкент шаҳар ва Юнусобод туман кенгашлари раҳбар ва ходимлари, шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, партия тарғибот гуруҳи аъзолари, маҳалла фуқаролари иштирок этди.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсат тизими яратилди ва ҳаётга татбиқ этилмоқда, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева**. — Ҳар бир соҳада изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида шахс ва унинг ҳақ-ҳуқуқи, манфаатларини таъминлаш мақсади мужассам. Маҳалла институти ҳам йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Конвенция ва шарҳ

ТАМАКИГА ҚАРШИ КУРАШИШ: ҲУҚУҚИЙ АСОС ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни камол топтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда, «Соғлом она — соғлом бола» мавзуида Тошкентда ўтказилган халқаро конференцияда бу борадаги ишлар самараси дунёнинг таниқли мутахассислари томонидан эътироф этилди.

Бироқ ҳаёт ҳақиқатидан маълумки, инсон саломатлиги кўп жиҳатдан соғлом турмуш тарзига боғлиқ. Бугунги кунда алкоголизм, гиёҳвандлик, кашандалик сингари иллатлар инсон соғлиғига катта хавф туғдираётгани дунё жамоатчилигини ташвишга солмоқда. Биргина мисол, тамаки нафақат чекувчи соғлиғига, балки унинг оила аъзолари, яқинлари саломатлигига жиддий хавф туғдиради. Статистик маълумотларга қараганда, дунёда ҳар йили беш миллиондан зиёд одам тамаки туфайли ҳаётдан кўз юмади. Мутахассисларнинг айтишича, 2030 йилга бориб бу кўрсаткич ўн миллионга етиши мумкин. Кўриниб турибдики, одамларни тамаки таъсиридан асраш — саломатлик учун ғоятда муҳим.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қабул қилган **«Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тамакига қарши курашиш бўйича Ҳадли конвенциясига (Женева, 2003 йил 21 май) Ўзбекистон Республикаси қўшилиши тўғрисида»**ги Қонун бу борада ҳуқуқий асосни такомиллаштиришга хизмат қилади. Тамакига қарши курашиш бўйича Ҳадли конвенцияси 2005 йил февраль ойида кучга кирган, унга 174 давлат қўшилган.

Мазкур Конвенцияга аъзо давлатлар тамакига қарши курашиш бўйича қатор вазифаларни зиммасига олади. Булар, хусусан, аҳолини тамаки тутунидан ҳимоя қилиш, унинг рекламаси ва вояга етмаганларга сотилишини тақиқлаш, бундай маҳсулотлар қутисида тиббий огоҳлантириш бериш, солиқларни оширишдан иборат.

Конвенцияга иштирокчи давлатлар тамакига қарши курашиш бўйича тегишли дастур ва режалар ишлаб чиқади, меъёрий-ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлайди.

Тамакига қарши курашда халқаро ҳамкорликни кучайтириш, мамлакатимизга тамаки маҳсулотлари ноқонуний кириб келишининг олдини олиш ғоятда муҳим. Конвенция кишиларни тамакининг таъсири, у келтириб чиқарадиган ижтимоий, экологик ва иқтисодий оқибатлардан сақлашга хизмат қилади.

Конвенцияга қўшилган давлатлар тамаки ва унинг тутуни инсон саломатлиги учун ўта хавфли экани, шунингдек, соғлом турмуш тарзи афзалликлари тўғрисида ҳар бир фуқарони хабардор қилиши керак. Бу борада тегишли дастурлар ишлаб чиқилади. Уларни амалга оширишда нафақат давлат, балки нодавлат ташкилотлар фаол иштирок этиши учун шароит яратади.

Таъкидлаш керакки, миллий қонунчилигимизда тамакига қарши курашиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий асослар кўзда тутилган. Ўзбекистон аъзо бўлаётган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тамакига қарши курашиш бўйича Ҳадли конвенциясининг аксарият қоидалари муайян қонунларимизда ўз аксини топган. «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги, «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунлар, Жиноий ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар шулар жумласидан.

Мамлакатимизнинг мазкур Конвенцияга қўшилиши жаҳон ҳамжамиятининг тамакига қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирилган ҳаракатларида қатнашиш, хусусан, тамаки билан боғлиқ ёки у келтириб чиқарадиган касалликлар, ногиронлик, бемаврид ўлимни камайтиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни изчил амалга ошириш имконини кенгайтиради.

Машкура САФАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Муносабат

Президентимиз Наврўз байрамида Наврўзи олам, том маънода ўзининг руҳи ва ғоялари билан инсоннинг доимо она ер ва табиат билан ҳамнафас бўлиб яшаши, ҳар қайси одамнинг қалбида, унинг дини ва миллатидан қатъи назар, яшамоқ ва яратмоқ интилишларини уйғотиш, аҳиллик ва бирдамлик туйғуларини мустаҳкамлаш учун хизмат қилиб келаётганини таъкидлади.

НАВРЎЗ — УМИД ДАРАХТИ

Чиндан ҳам, Наврўз кишиларимизни эзгуликка, яратувчанлик ва бунёдкорликка ундайди. Бу, айниқса, байрам муносабати билан ташкил этилган хайрли тадбирларда яққол намоён бўлади.

Бу йилги байрам тантаналари мен депутат бўлган 12-Чорсу сайлов округи маҳалла фуқаролар йиғинларида кўтаринки кайфият ва баланд руҳда ўтказилди. Депутатларимиз ва партиямиз фаоллари ҳамкорлигида ёши улуғ инсонлар, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларга совға-саломлар улашилди. Бир сўз билан айтганда, севимли байрам одамларнинг эзгу орзу-интилишларига қанот бағишлаб, қалблардаги шукроналик туйғуларини мустаҳкамламоқда.

Одилжон ОТАХОНОВ,
Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 27 МАРТДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1928,67	1 АҚШ доллари	1843,50	1 Хитой юани	292,46	1 Польша злотийси	589,64	1 Евро	2439,55
1 Англия фунт стерлинги	2925,27	1 Миср фунти	305,62	1 Россия рубли	62,70	1 СДР	2842,36	10 Жанубий Корея вони	16,20
1 Дания кронаси	329,06	1 Исландия кронаси	14,62	1 Украина гривнаси	230,85	1 Туркия лираси	1025,02	10 Япония иенаси	223,08
1 БАА дирҳами	501,92	1 Канада доллари	1848,49	1 Малайзия рингити	600,78	1 Швейцария франки	2030,06		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

Муҳокама жараёнида сенаторлар давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмаларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан тизимли назоратни, шунингдек, давлат органларининг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва унга услубий раҳбарликни таъминлашга қаратилган ишнинг самарадорлигини янада оширишга эътиборни кучайтириш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар.

Конституция нормаларига мувофиқ ҳамда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш юзасидан белгиланган қоидаларни рўёбга чиқариш доирасида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари билан тасдиқланган 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг мамлакат минтақаларида ижро этилиши тўғрисидаги масала юзасидан парламент эшитувини ҳам ўтказдилар. Мажлисда вазирлик томонидан бошқа манфаатдор идоралар, тармоқларнинг хўжалик бошқаруви органлари, барча даражалардаги ҳокимликлар билан биргаликда 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ҳамма йўналишлари бўйича тизимли иш амалга оширилганлиги кўрсатиб ўтилди. Натижада Дастур 101,5 фоизга бажарилди. 970,9 мингта ёки назарда тутилганидан 14,6 мингтага кўп янги иш ўринлари ташкил этилди. Чунончи, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини ҳамда якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш жараёнида 113,1 мингта янги иш ўрни (101,1 фоиз) ташкил этилди. Чорвачиликка, паррандачиликка, балиқчиликка, боғдорчиликка, мева-сабзавот маҳсулотини қайта ишлаш ва сақлашга ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликларини кенгайтириш, шунингдек, иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш 126,6 мингта (103,4 фоиз) иш ўрни ташкил этилишига олиб келди. Коллежларнинг 430,3 минг нафар битирувчиси бандлигини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди, кўрилган чоралар натижасида 2011 йил охирига келиб 402,4 минг битирувчи ёки уларнинг 93,6 фоизи ишга жойлаштирилди.

Муҳокама жараёнида сенаторлар 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини минтақаларда сўзсиз бажариш, шунингдек, ушбу масъулиятли вазифани ҳал қилишда давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кучайтириш бўйича қатор тавсияларни баён этдилар.

Барча тингланган ҳисоботлар ва тақдим этилган ахборот юзасидан Олий Мажлис Сенати тегишли қарорлар қабул қилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга қаратилган, тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни, аҳолининг бандлиги ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашни назарда тутадиган 21 та масала, шу жумладан 10 та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази

ҲАМКОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУР

Фуқароларнинг турмуш фаровонлиги ошиб бораётгани, жисмоний имконияти чекланган ёки нафақа гаштини сураётган кексалар, хотин-қизлар ва ёшлар давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликдан, қулайлик ва шарт-шароитдан бирдек баҳраманд бўлаётгани қувонарли, албатта. Айниқса, жорий йилда бу борада яна бир катта қадам ташланаётгани аввало инсонга, қолаверса, маҳалла институтига бўлган эътибор чексиз эканини кўрсатади.

Бугунги тадбирдан кўзланган мақсад ҳам аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий ҳимоя қилиш борасида Президент фармон ва қарорлари бажарилиши, қонунлар ижро этилишини ўрганиш, аҳоли орасида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб бориш, кишиларни ташвишга солаётган муаммоларни бартараф этиш борасида таклифлар ишлаб чиқиб, уни Тошкент шаҳар Кенгаши доимий комиссиялари ва сессияларида муҳокама этиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракциясига тегишли қонунларни такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва мулоҳазалар беришдан иборат. Демократик жамият ривожланишида ҳар бир фуқаронинг фикрини ҳисобга олиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли партиямиз ўз электорати билан изчил ҳамкорлик қилишга, билдирилган фикрларни вакиллик ҳокимиятига олиб чиқишга интилмоқда. Шу орқали партиямиз электорати манфаатлари таъминланишига эришишни ният қилганмиз.

— Парламентда қонунлар лойиҳалари кўриб чиқилаётганда оддий кишиларнинг фикрини инобатга олиш унинг ҳаётий ва мукаммал бўлишига хизмат қилади, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Комил Очилов**. —

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Аҳолининг фикр-мулоҳазаси ҳисобга олиниб, ижтимоий ҳимояни янада такомиллаштириш мақсадида «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонун фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари шаклланишига фуқаролар қўшган ҳисса билан пенсия миқдори боғлиқлигини кучайтиради, Пенсия жамғармасининг даромад ва харажатлари ўзаро мос ва мувофиқ бўлишини таъминлайди.

Қонунга мувофиқ меҳнат стажини ҳисобга олиш, пенсияларнинг тайинланиши, қайта ҳисобланиши ҳамда тўланиши шартлари ва тартиби бўйича белгиланган меъёрлар пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштирди.

Бизнинг вазифамиз — мазкур янгиликларни кишиларга тушунтириш билан бирга, амалдаги қонун ҳужжатлари қандай ишлаётганини ўрганишдан иборат. Аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишнинг энг мақбул шакли аввало одамларни барқарор даромадли иш билан таъминлаш, албатта. Шу сабабли ҳам биз ҳар йили парламент қабул қилаётган Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросига жиддий эътибор қаратаяпмиз. Хўш, маҳаллаларда бу дастур ижроси қандай, ҳисоботларда келтирилган маълумотлар амалий ишимизга тўғри келадими-йўқми, ташкил этилган иш ўринларининг истиқболи қандай? Бу масалани ўрганишда сизнинг ҳамкорлигингиз биз учун жуда муҳим.

— Ижтимоий ҳимоянинг ҳаётдаги ифодасини биз аввало оилалар фаровонлигида кўрамиз, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Зиёвуддин Мансуров.** — Оиланинг мустаҳкамлиги эса бевосита шунга боғлиқ. Бу эзгу мақсадга эришишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси — маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёс. Бунинг тасдиғини бугун ҳар қадамда кўриш мумкин.

Айниқса, ёш оилаларни ҳаёт тўфонларидан асраш, уларнинг мустаҳкам оёққа туриб олиши учун елкадош бўлиш, керак бўлса, кўмак бериш, йўл-йўриқ кўрсатишда маҳалланинг ўрнини ҳеч нима боса олмайди. Шуни ҳам айтиш керакки, Мустаҳкам оила йилида бу йўналишдаги ишлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилмоқда.

— Аҳолининг бандлиги, даромадларининг юқорилиги ижтимоий ҳимоя, оила мустаҳкамлигининг муҳим асосларидан биридир, — деди **Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси масъул ходими Дилдора Муҳиддинова.** — Шу сабабли бандликни таъминлаш давлатимиз сиёсатида устувор йўналиш ҳисобланади. Тошкент шаҳрида ҳам янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш маҳаллий дастури ишлаб чиқилган. Ўтган йили шаҳарда 81 мингдан ортиқ иш ўрни очилди. Биз аввало меҳнат бозорини ўрганиб, таҳлил этамиз. Ўтган йили 39 мингдан ортиқ йигит-қиз касб-ҳунар коллежларини битириб, меҳнат бозорига кириб келди. Бу йил ҳам 40 мингга яқин ёшлар касб-ҳунар коллежлари, 10 мингдан ортиқ йигит-қиз олий таълим муассасаларини битиради. Кўриниб турибдики, бу йил 50 мингга яқин меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган ёшларни иш билан таъминлаш керак бўлади. Дастурда 82 минг иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган, аммо биз 100 мингга яқин янги иш ўрни очиш учун ҳаракат қилаяпмиз.

Бу иш ўринларига биринчи навбатда таълим муассасаларини тугатаётган ёшларни жалб этиш мақсадида уч томонлама шартномалар тузилмоқда. Уларнинг ижросини таъминлашда маҳалланинг ҳамкорлиги яхши самара беради. Биринчи навбатда, шартнома имзолаган юридик шахслар битирувчиларни ишга олишини мониторинг қилиш, юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиб бориш зарур.

Бундан ташқари, дастурда миллий ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилган. Бу борадаги ишларни самарали ташкил этишда ҳам маҳалланинг ўрни беқиёс. Сабаби, ҳунармандчилик ҳам, касаначилик ҳам айнан маҳаллада ташкил топади. Ҳар бир маҳаллада шу иш билан шуғулланиш истагида юрган кишилар оз эмас. Аммо кўпчилик ишни ташкил этишда қийинчиликка дуч келади. Уларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиш зарур. Шу сабабли маҳалла билан ҳамкорликни янада такомиллаштириш керак, деб ўйлайман.

— Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар фаровонлигини таъминлашнинг яна бир йўли — уларнинг ўз ишини, оилавий бизнесини йўлга қўйишида ёрдам беришдан иборат, — деди **Тошкент шаҳар Солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдуғани Мирзараҳимов**. — Бу борада кишиларимизга жуда катта имкониятлар яратилмоқда. Таққослаш учун айтиш керакки, кичик бизнес субъектларига ягона солиқ тўлови дастлаб 13 фоиз бўлган. Бугунги кунга келиб, бу кўрсаткич 5 фоизни ташкил этмоқда. Миллий ҳунармандчиликнинг 24 та тури билан шуғулланадиган фуқаролар қатъий белгиланган солиқлардан озод этилди. Пенсия жамғармасига тўловлар бундан мустасно, албатта. Бу эса халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, соҳага ёшларнинг қизиқишини ошириш, ҳунар аҳлининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Давра суҳбатида, шунингдек, Юнусобод туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари Нуриддин Жалолов, Бахтиёр Сапиев ва бошқалар сўзга чиқишди.

Давра суҳбатида, шунингдек, турли ижтимоий масалаларни ечиш, партия электорати дуч келаётган муаммоларни ўрганиш ҳамда жойида ҳал этиш, шу билан бирга, миллий қонунчилигимиз ҳамда бошқа йўналишларда олиб борилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилишда маҳалла муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Беҳзод ШУКУРОВ

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

ЁШЛАРГА КЕНГ ИМКОНИЯТ ЯРАТИШ

уларни иш билан таъминлаш — долзарб масала

ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, «Микрокредитбанк» вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда «Оилавий бизнес ва ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда давлат ва жамоат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни» мавзусида семинар ўтказди.

Мустаҳкам оила йили муносабати билан ташкил этилган уч кунлик тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида юрган ёшлар иштирок этди.

— Вилоят аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади, — дейди **«Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими етакчиси Авазбек Омонов.** — Тадбирдан кўзланган мақсад — ёш тадбиркорларга билим ва кўникмалар бериш, ўз ишини бошлаши учун амалий ёрдам кўрсатишдан иборат эди. Бу йил биз шаҳар ва қишлоқларда кўпроқ шундай иш қилмоқчимиз.

— Икки йилдан буён тикувчилик билан шуғулланаман, — дейди **термизлик Мастура Ҳамроева.** — Келажакда ишимни кенгайтириб, фаолиятимни ривожлантирмоқчиман. Мазкур тадбир бу борада менга яқин кўмакчи бўлди. Зарур маслаҳат, кўплаб йўл-йўриқлар олдим...

— Орамизда ташаббускор ёшлар кўпчиликни ташкил этади, — дейди **Термиз Ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи битирувчиси Ўрол Бўтаёров.** — Бугун бизнес-режа тузиш, ғоя танлаш, банк билан муносабат, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича билим олдик. Ўз ишимизни йўлга қўйишда у асқотади.

Очиқ мулоқот руҳида ўтган учрашувда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси етакчи мутахассиси Ориф Раҳмонов, «Микрокредитбанк» вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи Бекзод Ҳусанов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиявий хизматлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича ажратилаётган имтиёзли кредитлар, тадбиркорлик субъектлари фаолиятларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги қонунчилик меъёрлари ҳақида фикр-мулоҳаза билдиришди.

Тадбир доирасида тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлганларнинг 30 нафарига сертификатлар топширилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Партияларараро баҳс

«Депутат» сўзи лотин тилидан таржима қилинганда «вакил этилган» деган маъно англатади. Депутат, аввало, унга ишонч билдириб сайлаган одамлар манфаатини кўзловчи ва ҳимоя қилувчи, уларнинг муаммоларини ўрганиб, ижро ҳокимияти идоралари олдига масала тақдим этувчи халқ вакилидир. Унга берилган бу ҳуқуқ ва ваколат эса катта масъулият ҳамдир.

СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ ЖАМИЯТДАГИ МАВҚЕИ

унинг амалий ишлари билан белгиланади. Халқ депутатлари Қоракўл туман Кенгашига ЎзЛиДеПдан сайланган депутатлар буни етарли англамаётган кўринади

Ўтган йили туман Кенгашининг 7 та сессияси бўлиб ўтди. Уларда ҳудудни ривожлантиришга оид Давлат ва маҳаллий дастурлар ижроси, бу борада қилинган ишлар, муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Депутат доимий комиссия йиғилишларида, сессияларда фаол бўлмаса, ташаббус кўрсатмаса, электорат манфаатини муносиб ҳимоя қила олмаса, одамлар ишончини, обрў-эътиборини йўқотади. Бу ўз навбатида, партиянинг мавқеига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Буни Қоракўл туман Кенгашига ЎзЛиДеПдан сайланган 9 нафар депутат фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин.

Хўш, тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатини ҳимоя қилувчи ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи сессиялар кун тартибига қандай масалалар киритган? Бу савол кимгадир ноўрин туюлиши мумкин. Чунки 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йилида ЎзЛиДеПнинг халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи зиммасида жуда катта вазифалар турганини изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Демак, либераллар ўз электорати манфаати билан боғлиқ кўплаб таклифларни илгари сурган, Давлат ва маҳаллий дастурлар ижроси бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чора-тадбирларни кўрган бўлиши керак.

Афсуски, ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи сессияларга ўтган йили биронта ҳам масала киритмади. Ваҳоланки, туманда ЎзЛиДеП электоратини ўйлантираётган муаммолар оз эмас. Табиий савол туғилади: шундай экан либераллар нега сукут сақламоқда? Ёки улар ишлаб чиқарувчилар фаолиятини янада кучайтириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида берилган ваъдаларни унутдими?

Маълумки, аксарият туманларда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар сессияларда муҳокама қилинган, тегишли чора-тадбирлар белгиланган. Аммо Қоракўл туман Кенгашидаги ЎзЛиДеП депутатлари ҳатто бу борада ҳам ташаббус кўрсатмаган. Партиянинг сайловолди Дастурида эса **«2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури бажарилишида партиянинг фаол иштироки тадбиркорлик тузилмаларининг мавжуд заҳиралардан фойдаланишларини янада кўпроқ рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш асосида маҳсулот таннархини арзонлаштириш ҳамда сифатини яхшилаш, экспорт салоҳиятини ўстириш бўйича янги ташаббусларнинг илгари сурилишини кўзда тутади»,** деб белгиланган.

Дунё тажрибасидан маълумки, ҳар бир сиёсий партия ўз ғоявий дастури, айниқса, сайлов олдидан берган ваъдаларини қай даражада бажариши унинг жамиятда тутган ўрнини белгилайди. Одамлар сиёсий партиянинг ваъдасига қараб эмас, амалий ишларига қараб баҳо беради. ЎзЛиДеП депутатлари ана шу оддий ҳақиқатни англаб етмаётган кўринади...

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Халқ депутатлари туман кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутатлик гуруҳи 2011 йил 30 декабрда бўлиб ўтган сессияга **«Туманда 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»да белгиланган параметрлар бажарилишини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлиги ҳақида»**ги масалани киритган. Унда режалаштирилган иш ўринларининг очилиши билан боғлиқ масала атрофлича кўриб чиқилган. Сессияда мавжуд камчиликларни ечишга қаратилган қарор қабул қилинган. Бундан ташқари бир нечта масалалар тегишли доимий комиссиялар йиғилишида муҳокама этилган.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ғояларини амалга ошириш бўйича партиямизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида Қоракўл туманида касаначиликни кенг жорий қилиш, шу орқали аҳоли бандлигини оширишга кўмаклашиш вазифаси белгиланган.

Туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи томонидан бу борадаги ишлар мониторинг қилиниб, унинг хулосалари партия фаолларининг йиғилишида депутатлар иштирокида атрофлича муҳокама қилинган. Аммо бунинг амалий натижаси сезилаётгани йўқ.

Чунки масалани йиғилишда кўриб чиқиш билангина чекланилган. Камчиликларни бартараф этиш, касаначиликни ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилмаган. Агар халқ депутатлари туман Кенгашида ЎзХДПдан сайланган депутатлар 13 кишини ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, қилинган ишлар ҳали талаб даражасида эмаслиги ойдинлашади. Бундай имкониятга эга бўлган депутатлик гуруҳи йил давомида маҳаллий кенгаш сессиясига биргина масала киритганини қандай изоҳлаш мумкин?

Шу ўринда халқ депутатлари туман Кенгашига раҳбарлик қилаётган ЎзХДП аъзоси М.Нўъмоновнинг депутатлик гуруҳларига талабчанлиги етарли эмаслигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Агар депутатлик гуруҳлари фаол ишласа, тумандаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ривожига катта ҳисса қўшиши мумкин. Бунинг учун уларнинг фаолияти талаб даражасида бўлиши керак.

Шаҳноза ЮСУПОВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати катта референти.

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

ПОЙДЕВОРИ БАҚУВВАТ ҚЎРҒОН

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор» ғояси ҳақида ўйлар

Ҳар бир оила моҳиятан кичик бир мамлакатга ўхшайди: ўзига тегишли моддий ва маънавий сарҳади, ўзига мансуб тартиб-қоидалари бор. Аммо уларни муҳим бир ришта — умуммиллий қарашлар тизими бирлаштириб туради. Бу — кечаги кундан хулоса, бугунидан маъно ва эртасидан умид топиб яшаётган инсонлар танлови. Мустаҳкам маънавий илдизларига таяниб яшаш саодатидир.

Президентимиз қарори билан тасдиқланиб, изчил амалга оширилаётган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида жамиятимизнинг маънавий негизларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда оиланинг роли ва таъсирини янада кучайтиришга доир кенг қамровли чоратадбирлар белгиланган.

Оила маънавий иқлимини миллий қадриятлар ва замонавий қарашлар уйғунлиги асосига қуриш — жуда муҳим ва нозик масала. Бу борада миллий маҳдудликка тушиб қолиш ҳам, айни пайтда ҳар қандай замонавий тушунчани кўр-кўрона қабул қилиш ҳам хайрли тугамаслигига ҳаётда мисоллар кўп. Истасак-истамасак, давр шиддати ва талаблари ҳар қандай қадриятга таъсир ўтказади, ҳатто уни шаклан, мазмунан ўзгартиради. Бироқ ҳар қандай эврилиш жараёнида ҳам маънавий мағиз — асос сақланиб қолади. Миллатнинг миллатлиги, инсоннинг инсонлиги ана шу нуқтада мужассам.

Ўзбек оиласидаги бугунги маънавий муҳит ҳақида ўйларканмиз, вақт ва қадриятлар силсиласида пайдо бўлган қатор саволларга дуч келамиз. Жавоб ахтариб, миллий меросимиз хазиналаридаги асарларни варақлаймиз, ўзимизга, ён-атрофга қараймиз. Умр китобини қандай ёзаётганимиз ҳақида ўйлаймиз. Бу — ўзини шу миллатга мансуб санаган ҳар бир инсон учун табиий бир ҳол ва айни пайтда доимий ўталажак бурчдир.

ОИЛАСИДА СИЙЛАНГАН — ЭЛДА АЗИЗ

Ҳаёт ўзаро таъсир ва мувозанат асосига қурилган. Оила мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан ота-она ва фарзанд, эр-хотин, қайнона-келин муносабатларидаги ички ва ташқи тартибга боғлиқ. Бу — инсон онгли яшай бошлагандан буён неча-неча марталаб ўз исботини топган ҳаётий ҳақиқат.

Халқимиз маънавий меросининг ноёб дурдоналаридан бири «Алпомиш» достонида Бойбўри ўғлини душман юртига юборишдан аввал рухсат бермай — мустақил фикрини, хатни яшириб — руҳий қувватини, Қултой билан олиштириб — жисмоний кучини синовдан ўтказади. Ҳакимбек отаси олдида ақлан, маънан ва жисмонан баркамоллигини исботлагач, Алпомишга айланади. Алишер Навоий икки дунё саодатига эришмоқни истаган фарзандларга, аввало, ота-она ризолигини олишни уқтираркан, «бирисин ой англа, бирисин қуёш», дейди. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги ўша машҳур диалогни эслайлик: «Ўғлим, ҳали сан эшитдингми, йўқми ҳайтовур биз санинг устингдан бир иш қилиб қўйдиқ». «Ақллик кишиларнинг ўғуллари устидан қилган ишлари албатта номақбул бўлмас».

Булар — ота-она ва фарзанд муносабатида халқимизга мансуб юксак маънавиятнинг энг гўзал ифодаларидан. Бугун оилавий муносабатларда бу каби теран ички маданият қай даражада? Оила аъзолари ўртасида бир-бирини эшитмаслик ҳолатларига тез-тез дуч келамиз. Айтайлик, кечки овқат маҳали оила аъзолари жам бўлади. Кўп оилаларнинг овқатдан кейинги гурунгларига қулоқ солсангиз, уларнинг жисман яқин ўтиргани билан кўнгли бир-биридан жуда олисдай, кечинмалари бегонадай туюлади. Қўшнининг ғийбатига топилган вақт ўзаро ҳол сўрашга келганда ноёб неъматга айланади.

«Тўрт-беш йил олдин қишлоққа борганимда даштга чиқдим. Ўн беш яшар бир бола мол боқиб юрган экан. Гаплашгим келди, аммо ундаги совуқ муомала, одамга ишончсизликдан даҳшатга тушдим. Нима сўрасанг, «устимдан кулянсиз», дейди. Мактабни битиряпти, аммо тайинли мақсади йўқ. Сабабини билсам, отаси ўғлини одам ўрнида кўрмас экан: бир гал расм чизиш учун тўртта мўйқалам олиб беришни сўраганда, пул йўқ, деб қаттиқ жеркиган, барибир, мол боқишдан бошқасига ярамайсан-ку, деган экан. Табиийки, бола бундан қаттиқ ранжиган, ҳатто ҳаётдан бир қадар кўнгли ҳам совуган.

Эртаси куни бозордан дафтару мўйқалам олиб, ўша болага бердим. Ишонқирамай олди. Бир тўйда унинг отасини маст бўлиб, раққосани пулга белаганини кўрдим. Расм дафтарга топилмаган пуллар... Яқинда қишлоққа борганимда, ўша бола кўргани келди. Коллежни битиряпти экан. Отасига ҳам инсоф кирган, шекилли, ўғлини уй пардозловчи устага шогирдликка берибди. Ўсмирнинг қувончини кўриб, ич-ичимдан хурсанд бўлиб кетдим».

Дўстимнинг ҳикояси — дарёдан томчи. Турмуш чорраҳаларида бу каби мураккаб тақдирлар жуда кўп. Айрим оилаларда ички ёки гап-гаштакка пул топилади, лекин фарзандларга китоб-дафтар олиб беришга келганда — чўнтак тору тангга айланади. Ўз навбатида инсон ёши улғайгач, маънавий қувватга ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ эҳтиёж сезади. Фарзандлар ота-онасини моддий таъминлагани билан улар кўнглига ва маслаҳатига қулоқ солмаса, уларнинг ризолигини олиш қийин.

Умуман, бир-бирини эшитиш ва тушуниш маданияти сусайган оиладан файз-барака қочади, муносабатларга дарз кетади, айниқса, ёш қалблардаги муқаддас туйғуларга заха етади. Излаганини уйидан тополмаган одам кўчага чиқиб кетиши табиий. Улуғлардан бири «оиласида сийланган — элда азиз», деган экан. Аслида ҳам киши жамиятда ўз ўрнини топиши учун аввало оиласида ўз ўрнига эга бўлмоғи лозим.

МУАММО ОИЛАДА ҲАЛ БЎЛМАСА...

Халқимиз ҳамиша қўни-қўшни, қавму қариндош, маҳалла-кўй олдидаги масъулиятни шахсий манфаатларидан устун билган. Билакс, истакларини шунга мослаштирган. Бу — она сути, алласи, боболар ўгити билан кирган фазилат. Шу боис ҳозир ҳам оиласидаги гапни кўчага чиқарган одам кўпчилик олдида ўз ожизлигини намойиш этган ҳисобланади.

Бугун мамлакатимизда оила ва маҳалла институтлари уйғун ривожлантирилмоқда. «Ҳар бир оила ўз муаммосини ўзи ҳал этиши ва айни пайтда эл-юрт олдидаги жавобгарликни унутмаслиги лозим» тамойили сўзда ва амалда ўз ифодасини топаётир.

— Муаммога оилада ечим топилмагач, уни маҳалла доирасида ҳал этишга киришилади, — дейди Ғаллаорол туманидаги «Самарқанд» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси Мунаввар Қўлдошева. — Бугун юртимизда асл қадриятларимизга хос турмуш кечираётган оилалар кўп, бироқ оилавий муносабатларда бўшлиқлар юзага келаётгани ҳам бор гап. Бу баъзи ота-оналарнинг болаларини фақат моддий жиҳатдан таъминлаш билан кифояланаётгани, айрим фарзандларда ўзибилармонликка ҳаддан ортиқ берилаётгани оқибатидир. Масалан, илгари аксарият оиладаги болалар бобо-бувисининг тарбиясини олиб улғаяр эди. Бугун эса никоҳдан бир йил ўтмасдан ёшлар рўзғорини бўлак қилиш ҳаракатига тушади. Ёш ота-она янги рўзғорни бутлаш билан овора бўлгач, табиийки, болалар тарбияси ўз ҳолида қолади.

Яқинда ёш келин-куёв ажрашмоқчи бўлиб келди. Фарзандли бўлишгач, етишмовчилик юзага келган. Рўзғор юритишдан етарлича сабоқ олмагани туфайли иккиси ҳам довдираб қолган, ечимни ажримда кўра бошлаган. Алоҳида гаплашиб, уларга никоҳ — илоҳий аҳд, оила муқаддас эканини тушунтирдик. Ота-оналари фарзандларига, аввало, маънавий ёрдам бериши кераклигини айтдик. Тушунган одамлар экан. Ҳаммаси изга тушди.

Бир ота фарзандлари ҳурматини жойига қўймаётганидан шикоят қилди. Ўргансак, ота «эр — кўчанинг одами» деган «ҳикмат»га кўр-кўрона амал қилиб, фақат пул топиш билан машғул бўлган. Она эса фарзандлар тарбиясини эплай олмаган. Оқибатда бугун ўн етти яшар ўғил «сотка» олиб бермагани учун коллежга боришдан бош тортган, ҳатто отасини ҳақорат қилган. Бола билан гаплашсак, унга ҳеч ким эътибор бермаслигини, мобиль телефон тутиб ҳурмат топмоқчи бўлганини айтди. Боланинг сартарошлик ҳунари бор экан. Кенгашиб, унинг дарсдан бўш вақтида сартарошлик қилишига имкон яратдик. Эпли бола экан, энди эл-юрт дуосини олаётир.

Мунаввар опа айтган бу муаммолар оиланинг ўзида ҳам ҳал бўлиши мумкин эди.

ЭРКАК ОРИГА СУЯНАДИ

Президентимиз 2012 йилни «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қиларкан, оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотининг, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш ҳеч қачон эсимиздан чиқмаслиги лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Чиндан ҳам эр-хотин қонун олдида тенг, рўзғор тутиш ва фарзанд тарбиясида ҳамкору ҳамжиҳат бўлса-да, ўзбек оиласида асосий юкни елкага олиш ва якуний сўзни айтиш, одатда, эр зиммасида. Бу елка сал майишса бўлди — пастга қулаётган маънавий юк камида бир оилага жиддий зиён етказади.

«Ўткан кунлар»да бунга теран ишора бор: Юсуфбек ҳожи маъқул тушса «хўб» дейдиган, номаъқул гапга жилмайиш билан кифояланадиган принципли одам, боз устига эл-юрт бошида юрган оқсоқол бўлса-да, кўпинча хотинига сўзи ўтмайди. Ёки Кумушни Тошкентга юборишга Офтоб ойим рози бўлмагач, Мирзакарим қутидор ҳам ён беради. Оқибат Отабек, Кумуш ва Зайнабнинг бахтсизлиги, фожиаси билан тугайди.

Ота масъулиятсизлиги туфайли оилада маънавий парокандалик юз бериши бугун ҳам ўткир ижтимоий-маънавий масалалардан. Бўйни меҳнатга ёр бермай уйда ўтирадиган ва хотини топган пулга кун кўрадиган, ҳатто шу билан кериладиганлар ҳам орамизда йўқ эмас. Чойхона ё пивохонада соатлаб ўтиришга ҳамиша вақт топган айрим эркаклар оиладаги кичик муаммони ҳал этиш ё фарзандларининг ўқишидан хабар олиш, ўқитувчилар билан фарзанди ҳақида икки оғиз суҳбатлашишга келганда жуда банд одамга айланади.

Оилани мустаҳкамлашда майда масаланинг ўзи йўқ. Хонадонда ота ўрни ва обрўсининг юксалиши ҳам, унга путур етиши ҳам шу каби икир-чикир масалаларнинг қай тариқа ҳал этилишига боғлиқ. Шу боис халқимиз ўғил болага рўзғор юритиш ва оилани ҳимоя қилиш, қизларга ошхона ишлари ва сарištаликдан сабоқ беришга қадим-қадимдан алоҳида аҳамият қаратади. Бироқ бугун ёшларнинг, айниқса, ўғил болаларнинг оила қуриш ва бошқаришга тайёр эмаслиги ҳақида бот-бот гапирилмоқда.

Бунга энг кучли таъсир воситалари — кинофильмлар ҳам «кўмаклашмоқда». Масалан, «Ўзимдан ўзимгача» фильми қаҳрамонларидан бири Ойша ўғил болани калтаклаб, унга аёл либосини кийдириб, сигир соғишга мажбур қилади. Якунда ўша бола шу қизга уйланади.

Ўйлаб кўрайлик: бундан ўғил болалар ё қизлар нима маъни ва қандай ибрат олиши мумкин?!. Алпомиш барча шартда қалмоқларни мағлуб этиб Барчинга эгалик қилишга муносиблигини исботлайди. Отабек ўз оиласи орини ҳимоя қилиш учун уч одам билан якка олишиб, енгади. Шу боис унга Кумушнинг муҳаббати ўн чандон ошади. Бу фильмдаги бола эса қиздан қалтак еб, сигир соғиб юрибди. Йигитнинг ор-номуси, ғурур-шаъни ҳақидаги қарашларимиз, эркакни суянгулик елка деб англаш ва англатишларимиз қаёқда қоляпти? Умуман, бу каби сюжетлар йигитларимизни эртага ким қилиб тарбиялайди?! Ўз оиласини асролмаган одам эл-юртга нима наф келтира олиши мумкин?!

— Халқимизда куёвнинг ёш, насаб, билим ва савия жиҳатдан келиндан юқорироқ бўлиши улуғ фазилат саналган. Бугун бу масалага у қадар эътибор берилмайди, — дейди юқоричирчиқлик уй бекаси Гавҳар Чинтошева. — Моддий манфаат илинжида ё бошқа таъма билан уйланиш оддий ҳолатга айланиб бормоқда. Масалан, айрим жойларда келин мебель жиҳозларидан то супургисигача кўтариб келиши лозим, деган «удум» пайдо бўлган. Буни талаб қилиш йигитлар учун уят саналмай қолди. Яқинда бир қуёвга келин томонидан келтирилган ётоқ жиҳозининг ранги ёқмагани учун тўй бузилишига бир баҳя қолганига гувоҳ бўлдик. Буларнинг барчаси оила маънавиятига дарз кетказмай қолмайди...

ЮСУФБЕК ҲОЖИНИНГ ДЮРУАДАН ФАРҚИ

Машҳур француз ёзувчиси Ги де Мопассаннинг «Азизим» романидаги Жорж Дюруа ҳам ота-онасидан бесўроқ уйланади. У хотинини илк бор уйига бошлаб келганда, отаси ўғлидан «бу дўндиқчани қандай илинтирдинг?», деб сўрайди.

«Ўткан кунлар»да эса мана бу гапларни ўқиймиз: «Кумуш уялиб зўрғағина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқиниға келиб бўйин эгди. Ҳожи қўли билан Кумушнинг елкасига қоқиб суйди ва Кумушнинг манглайиға тегизиб олған ўз қўлини ўпди:

— Бизнинг Марғилонда ҳам шундай келинимиз бор эканку, биз билмай юрған эканмиздa, — деб теварагига қараб кулинди ва қўлини дуоға очди...».

Абдулла Қодирий қаҳрамонларининг ўзаро муомаласи, ҳатто кичик фарзандларини ҳам «сиз»лаб гапириши оила маънавиятининг энг ибратли кўринишларидан. Улар ҳатто энг жаҳли чиққан кезларда ҳам, нари борса, «уятсиз», «беадаб» каби сўзлар билан қойинади. Тан олайлик, бу сўкишлардан бугун жуда кам юзлар қизаради, саноқли дилларгина ўзида айбдорлик сезади.

...Тирбанд бекатда автобус кутиб ёнимда турган ёш жувон овозини баралла қўйиб телефонда ким биландир сўзлашарди:

— Эримни биласан-ку, қўйга ўхшаб лалайган, ота-онаси чизган чизиқдан чиқмайди. Кеча янги кўйлак олиб беринг, девдим, ялмоғиздан сўраса, йўқ дебди... Ким ҳам бўларди? Қайнонам-да! Шошмай тур, ҳали қонингни ичаман, дедим. Э, ҳамма айб қайнотамда. Хотинининг гапидан чиқмайди. Шулар ўлмади, мен қутилмадим...

Ўз оиласи сирини ҳаммага достон қилаётган бу аёлнинг сўзларини эшитмаслик учун қўлимдаги китобни очдим. Кумуш ўлим билан олишаётган лавҳа экан. Пичирлаб ўқидим: «— Ойим... Ойим!.. — деди ҳожи. Кумуш кўзини очиб бесаранжом унга назар ташлади ва таниб... қўзғалмоқчи бўлди...».

ҚАЧОН КИТОБГА ҚАЙТАМИЗ?!

«Ўткан кунлар»нинг яна бир сабоғи — оилавий китобхонлик. Ёзувчи китоб воситасида тасаввур тиниқлиги ва тафаккур теранлигига эришиш, фақат маърифатли оиладагина маънавияти юксак инсонлар тарбияланишига теран ишора қилади. Аслида ҳам маънавиятдаги бўшлиқ билимсизлик ҳосиласидир.

Илгари оилавий китобхонликлар урф бўлгани боис оталар китоб ўқиб, оналар эртак айтиб берган. Фарзандлар тасаввури ҳам эртагу афсоналар, достону маталлар қаҳрамонлари воситасида шаклланган. Бугун эса китоблар ўрнини телесериаллар, турли кино ва клиплар эгалламоқда. Интернет имкониятлари ҳам китобхонликдан кўра, эрмакка эш бўлишга хизмат қилаётир. Энг хавотирлиси, оилавий жам бўлиб, ёппасига телесериал кўрилмоқда. Ҳолбуки, уларни ҳамиша ҳам оилавий томоша қилиш хайрли тугамайди.

Яқинда ёш бир ота «саккиз яшар қизимнинг сериал кўраётиб, «буниси ундан ҳомиладор» деганини эшитиб, даҳшатга тушдим. Энди сериал бошлангач, уларни нариги хонага чиқариб юборяпмиз», деди. Буку яхши, аммо болани бошқа хонага қамаб қўйиш билан иш битмайди-да. Фарзандга ибрат бўлиш учун аввало ота-она қўлига китоб олиши керак.

Билимсиз, дунёқараши тор ота-она қўл остида улғайган боланинг тарбияси ҳам ҳаминқадар бўлади. Чунки мурғак қалб кўрган-билган барча воқеани қандай бўлса, шундайлигича қабул қилади. Ота-она фарзандлари оқ-қорани ажратгунича уларга ҳар бир нарсани шарҳлаб, тушунтириб бормоғи лозим.

Бир сериалдаги ҳолат эътиборимизни тортди: қишлоқлик йигит шаҳарлик қизга уйланмоқчи, совчиликка эса қиз истаган кўринишдаги пўрим «она», «амма-холалар»ни ёллайди. Уни ёруғ дунёга келтириб, тарбиялаб, вояга етказган ота-онаси қишлоқлик бўлгани учун гўёки уялади. Бу лавҳани ёш болалар қандай тушунади? Уларга бунинг мағзини ким чақиб беради? Ўз оиласидан фахрланиш, «етти пушт», «наслнасаб»ни англаш ва уни давом эттириш ғурури каби қадриятларимиз едирилгач, ёшлар қайси йўлдан кетади?!.

Бу каби маънавий таҳдидларга онгли равишда курашиш аввало оилада шаклланади. Ота-она ўз болалари учун фахрланишга арзирли инсон бўлса, фарзандлар ҳам шунга интилиб яшайди. Оиласидан фахрланган инсоннинг миллий ғурури ҳам юксак бўлади. Бу туйғу эса фақат илму маърифат, демакки, китоб ўқиш ва ҳикмат уқиш воситасидагина шаклланади.

Яқинда Самарқандда хайрли бир ташаббусга қўл урилгани — ёш келинлар сепига мумтоз адабиётимиз намуналарини қўшиб бериш урфга кираётгани барчамизни хурсанд қилди. Китобга қайтиш, шубҳасиз, маънавият юксалишига хизмат қилади. Ота-она ва фарзандлар китобхонлиги оиладаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига қуришга ёрдам беради. Оилани чин маънода юксак маънавият қўрғонига айлантиради.

...Давр аравасидаги авлодлар алмашаверади, лекин инсон фитрати ва тийнатида сақланиб қолган миллий қарашлар, тутумлар, ҳаёт ва тафаккур тарзи, барибир ўз сўзини айтади. Миллий истиқлолимиз довонларига ҳамоҳанг юртимиздаги оилалар ҳам тикланиш ва янгиланиш, чидам ва ирода, умид ва ишонч, бир сўз билан айтганда, эзгу амаллардан қад ростлаётганига асос битта — эркинлик, эзгулик, бунёдкорлик ва гўзалликка интилиб яшаш халқимизнинг қонида бор. Бизни ҳаракатлантирувчи бу куч ҳамиша давом этади, ҳар қандай авлодлар ҳаётида ўз ифодасини, ижобатини топади.

Мустаҳкам оила — бугуни ва эртасига ишонган инсон меҳнати ва меҳридан яралган пойдевори бақувват қўрғондир. Бундай маънавият қўрғонида аввало ўзи олдида жавоб беришга қодир фарзандлар тарбияланади, вояга етади. Ўз виждони олдида жавоб бера олган инсоннинг Ватан, миллат, инсоният ва тарих олдида ҳам жавоб бера олишига ишониш мумкин.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Ватан ҳимояси — олий шараф

Пойтахтимиздаги «Ватанга қасамёд» ҳайкали пойида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган аскарларнинг ҳарбий қасамёд қилишига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар иштирок этишди.

Навоий вилоятининг Хатирчи туманидан хизматга чақирилган Шаҳбоз Турсуновнинг қувончи чексиз. Негаки, у тенгдошлари ичидан саралаб хизматга олинди. Бунга унинг спорт билан шуғуллангани қўл келди.

— Ўғлимни қутлагани келдик, — дейди аскарнинг онаси Боғчакалон қишлоқ врачлик пункти катта ҳамшираси Манзура Турсунова. — Фарзандим қасамёдига содиқ қолиб, Ватанимизнинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлишига ишонаман!

Носир ҲАЙДАРОВ
олган сурат.

Реклама

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Республика Инкассация бирлашмаси (ИНН 201052396, ОКПО 04869114, манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 19) бирлашмага, унинг таркибига кируувчи юридик шахс шаклдаги:

Қорақалпоғистон Республикаси Инкассация бошқармаси (ИНН 200357998, ОКПО 4870270, манзил: 230100, Нукус ш., Қорақалпоғистон 18),

Андижон вилоят Инкассация бошқармаси (ИНН 200242904, ОКПО 4870 241, манзил: 110000, Андижон ш., Навоий, 17),

Бухоро вилоят Инкассация бошқармаси (ИНН 201429083, ОКПО 4870 258, манзил: 200114, Бухоро ш., Мустақиллик, 28.1),

Қашқадарё вилоят Инкассация бошқармаси (ИНН 201343270, ОКПО 4870287, манзил: 180100, Қарши ш., Мустақиллик, 3),

Навоий вилоят Инкассация бошқармаси (ИНН 200003361, ОКПО 4870 293, манзил: 106800, Навоий ш., Ғалаба, 220),

Наманган вилоят Инкассация бошқармаси (ИНН 200057342, ОКПО 4870 3101, манзил: 116036, Наманган ш., Машраб, 2),

Сурхондарё вилоят Инкассация бошқармаси (ИНН 200475148, ОКПО 4870324, манзил: 190112, Термиз ш., Ат-Термизий, 7а),

Сирдарё вилоят Инкассация бошқармаси (ИНН 200323416, ОКПО 4870 330, манзил: 107000, Гулистон ш., Ўзбекистон, 93),

Хоразм вилоят Инкассация бошқармаси (ИНН 200407942, ОКПО 4870 376, манзил: 220000, Урганч ш., Тинчлик, 20),

Фарғона вилоят Инкассация бошқармаси (ИНН 200150956, ОКПО 4870 360, манзил: 150100, Фарғона ш., Ал-Фарғоний, 9),

Тошкент вилоят Инкассация бошқармаларини (ИНН 201122253, ОКПО 4870353, манзил: 100019, Тошкент ш., А.Қодирий, 1 а) қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш йўли билан ташкилий-ҳуқуқий шакли **«Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Республика Инкассация хизмати» Давлат унитар корхонаси**га ўзгартирилади.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Республика Инкассация хизмати» Давлат унитар корхонаси Республика Инкассация бирлашмаси ва унинг юридик шахс мақомига эга бўлган юқорида қайд этилган ҳудудий инкассация бошқармаларининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Корхона фаолиятига тааллуқли барча масала ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида расмий равишда қабул қилинади.

Манзил: ***100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 19-уй.***

Телефон/факс: ***244-39-27, 244-14-73.***

Мустақиллик фарзандлари

МЕН ЎЗБЕКНИНГ БАХТЛИ ҚИЗИМАН!

дейди Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган жиззахлик Бахтижон Исроилова

Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 2-сон академик лицей нафақат вилоятда, балки мамлакатимиздаги нуфузли таълим даргоҳларидан саналади. Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокиров раҳбарлик қилаётган ушбу таълим маскани ўқувчилари орасидан 6 нафар Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари етишиб чиққан эди. Бахтижон Исроилова еттинчиси бўлди.

Жиззах туманидаги 4-умумтаълим мактабида ўқиди. Устозлари кўмагида 11 ёшидан бошлаб хорижий тилларни, хусусан, инглиз ва рус тилларини қунт билан ўрганишга киришди. Мактабни аъло баҳоларга тамомлаганидан сўнг ўқишини Академик лицейда давом эттирди. Бу пайтда у инглиз ва рус тилларини яхшигина ўзлаштириб олган, ҳатто унча-мунча шеърлар, ҳикояларни инглизчадан ўзбекчага, ўзбекчадан русчага ўгиришга улгурганди. Лицейда билимларини янада бойитди, билмаганларини билиб олишга интилди. У инглизчадан ўзбекчага таржима қилган бир нечта китобчаларини ўқувчилар учун хорижий тилларни ўрганишга бағишланган услубий қўлланмаларини чоп эттирди. Таржима назариясини чуқурроқ ўрганишдан, ижод қилишдан, изланишдан тўхтамади.

Бахтижон ўтган йили интернет орқали имтиҳон топшириб, тест натижаларига асосан Буюк Британиядаги Оксфорд университетида ўқиш имконини берувчи таълим гранти соҳиби бўлди.

8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида эса Президентимиз Фармонига кўра, Бахтижон Исроиловага фан йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофоти топширилди.

— Мен оддий қишлоқ қизиман. Отам тадбиркор, онам ўқитувчи. Орзуларим кўп. Насиб этса, Буюк Британияда ўқишимни давом эттириб, келгусида моҳир таржимон бўлмоқчиман. Инглиз ва рус ижодкорлари, жаҳон классикларининг асарларини халқимизга, ўзбек адабиётининг нодир намуналарини хорижликларга тақдим қилсам, дейман.

Бахтижоннинг ўзи ҳам шеърлар, ҳикоялар ёзади. Унинг ижодидан намуналар вилоят ҳамда республика матбуотида эълон қилинган. У спортнинг стол тенниси ва гимнастика турлари билан шуғулланади.

Бахтижон каби ёшларимизнинг фан, маданият, спорт соҳасида эришаётган ютуқлари, орзу-интилишлари ҳақида гап кетганда беихтиёр Юртбошимизнинг мана бу сўзлари ёдга тушади: **Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукаммал тарзда фойдалана билишимиз зарур.**

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: *Академик лицейнинг учинчи босқич ўқувчиси Бахтижон Исроилова.*

Доногул ЖЎРАЕВА олган сурат.

Спорт

Бугун Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Вьетнамда Лондон олимпиадаси Осиё минтақаси саралаш босқичи «плей-офф» учрашувида Сурия футболчиларига қарши майдонга тушади.

Шу кунларда Ханой (Вьетнам)да футбол бўйича Лондон олимпиадаси Осиё минтақаси саралаш босқичи «плей-офф» учрашувлари ўтказилмоқда. Тақвимга кўра, дастлабки ўйинда Уммон — Сурия олимпия терма жамоалари куч синашди. Унда гарчи, уммонликлар ҳисобни очишган бўлса-да, учрашувнинг охирги сонияларида сурияликлар ўртадаги фарқни тенглаштиришди — 1:1.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ
ЛОНДОНГА БОРА ОЛАДИ...МИ?!

Мазкур баҳслар Ўзбекистон олимпия терма жамоаси учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки вакилларимиз бугун Сурия, 29 март куни эса Уммон футболчилари билан куч синашади. Агар олимпиячиларимиз ушбу баҳсларни муваффақиятли якунлашса, апрель ойида Лондонда бўладиган ҳал қилувчи учрашувда Сенегал футболчилари билан XXX ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмаси учун кураш олиб боришади.

Вадим Абрамов бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси мусобақада иштирок этиш учун 22 март куни Ханойга йўл олганди. Бу учрашув олдидан мураббий терма жамоага йигирма уч нафар футболчини жалб этган.

Аслида олимпиячиларимиз саралаш учрашувларининг гуруҳ босқичидаёқ Лондон олимпиадаси йўлланмасини ҳал қилишлари мумкин эди. Бироқ ҳамюртларимиз «В» гуруҳининг охирги ўйинида Бирлашган Араб Амирликлари футболчиларига ютқазиб, курашни давом эттиришга мажбур бўлдилар.

Ҳал қилувчи муҳим учрашувлар олдидан мураббий ва айрим футболчиларимиз фикрлари билан қизиқдик.

Вадим АБРАМОВ,
Ўзбекистон олимпия терма жамоаси бош мураббийи:

— Футбол ҳамиша ўзининг кутилган ва кутилмаган натижалари билан қизиқ. Энди биз ўтган ўйинларда қайд қилган натижаларимизни унутишимиз ва барчасини бошидан бошлашимиз керак. Рақибларимиз кучли жамоалардан саналади. Дастлабки учрашувда дуранг қайд этилганидан унумли фойдаланишимиз зарур. Агар Лондон олимпиадасига боришни истасак, Вьетнамда фақат ғалаба учун майдонга тушишимиз талаб этилади. Таркибимизда тажрибали дарвозабон Санжар Қувватовнинг жароҳати туфайли майдонга туша олмаслигини ҳисобга олмасак, деярли йўқотиш йўқ. Энг муҳими, йигитларимиз аъло кайфиятда. Аввалги учрашувларда йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда мухлисларимизни қувонтириш учун бор куч-имкониятимизни ишга соламиз.

Фозил МУСАЕВ,
терма жамоа сардори:

— Бош мураббийимиз таркибга миллий чемпионатимизда тўп сураётган энг иқтидорли ўйинчиларни жалб этганлигига шубҳам йўқ. Улар билан анчадан бери биргаликда ўйнаб келяпмиз. Руҳий жиҳатдан ҳар икки учрашувни ҳам юқори савияда ўтказишга тайёрмиз. Муҳими, ўйинларда юзага келадиган қулай вазиятларни голга айлантирсак кифоя.

Иван НАГАЕВ,
терма жамоа ҳужумчиси:

— Футболда мағлубият ва ғалаба ёнма-ён юради. Икки тўп фарқи билан олдинда бораётиб, якунда аламли тарзда уч бор дарвозамиздан тўп ўтказиб юбордик. Бунда фақат ўзимизни айблашимиз керак. Хатоларимиз учун бундан ортиқ жазо бўлмаса керак. Бизни Уммон, Сурия футболчилари билан бўладиган муҳим учрашувлар кутиб турибди. Бор эътиборимизни ҳозир ана шу баҳсларга қаратганмиз. Албатта, бу тўсиқлардан ўтиб олсак, кейин Сенегал футболчиларига қарши тайёргарлик кўрамиз.

Эркин ХОЛБОБО.
Ҳасан ПИРМУҲАММЕДОВ олган сурат.

ФУТЗАЛЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида футзал бўйича ўтган Осиё чемпионлар лигаси «А» гуруҳи саралаш учрашувларида Тошкентнинг «Ардус» жамоаси муваффақиятли тўп сурди.

Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Васл», Ироқнинг «Ал-Карх», Қирғизистоннинг «Налоговик» ҳамда Қатарнинг «Ар-Райян» футзалчилари билан кураш олиб борган Александр Петров шогирдлари барча учрашувларда рақибларини мағлубиятга учратди. Охирги турда «Ар-Райян» вакиллари билан куч синашган ҳамюртларимиз яна бир бор гуруҳда тенгсиз эканликларини намойиш этишди — 9:1.

Шундай қилиб, ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллаган «Ардус» футзалчилари шу йилнинг июль ойида Қувайтда бўладиган Осиё чемпионлар лигаси финал босқичида юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Гуруҳдаги иккинчи йўлланма «Ар-Райян» жамоасига насиб қилди.

Реклама

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги «Ижтимоий ҳимоя йили дастури тўғрисида»ги 573-қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 409- ҳамда 2002 йил 25 январдаги «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастури тўғрисида»ги 33-қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-қарори талаблари асосида, 2012-2013 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ва касаллиги туфайли якка тартибда уйда таълим олаётган ногирон болалар учун харид қилинадиган ўқув қуролларидан пластилин маҳсулотини харид қилиш учун қайта очиқ тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади.

Мазкур тендер савдолари очиқ турда ўтказилиб, унда мулкчилик шаклидан қатъи назар, 1-синф ўқувчилари ҳамда якка тартибда уйда таълим оладиган ногирон болалар учун пластилин ишлаб чиқариш ва ёки буюртмачига сифати ва баҳоси жиҳатидан маъқул тарзда етказиб бериш имкониятига эга барча кичик бизнес субъектлари — юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:

тугатилиш, қайта ташкил этилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;

ўз муддатида ва ўрнатилган тартибда саралаш босқичи учун керакли бўлган барча зарур ҳужжатларни тақдим этмаганлар;

Халқ таълими вазирлиги ва «Ўқув таълим таъминот» давлат унитар корхонаси билан аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаганлар ва бажармай келаётганлар;

мазкур эълон нашр этилган санага қадар 6 (олти) ойдан кам муддат ичида ташкил топган корхона ва ташкилотлар;

Халқ таълими вазирлиги ва «Ўқув таълим-таъминот» ДУК билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётганлар;

Тендер комиссиясининг тижорий ва молиявий талабларига жавоб бермайдиганлар.

Тендер таклифлари (конвертлар) очилгунига қадар, Тендер комиссияси ва ёки Тендер комиссияси топшириғига асосан Тендер комиссияси Ишчи органи томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар саралаш босқичидан ўтказилади. Бунда талабгорлар Тендер комиссиясининг Ишчи органига тендер таклифи билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тўпламини алоҳида (папкада) тақдим этишлари лозим:

Талабгор — Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотлари учун:

ходимлари сони ва талабгорнинг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисидаги давлат солиқ инспекциялари томонидан берилган маълумотнома;

маҳаллий монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш органларидан талабгор банкрот ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

маҳаллий давлат рўйхатига олувчи органлардан талабгорнинг тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

талабгорнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

Давлат солиқ инспекцияси ва талабгор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги мажбуриятлар бўйича ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган солиштирув — далолатномасининг (кенгайтирилган) асл нусхаси (мазкур ҳужжат эълон нашр этилган санадан кейинги ҳолатга тақдим этилиши лозим);

талабгорга хизмат кўрсатувчи банкнинг талабгорнинг ҳисоб рақамларида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома (мазкур ҳужжат эълон чоп этилган санадан кейинги ҳолатга тақдим этилиши лозим);

талабгорнинг Ишчи органига тендер таклифига мос маҳсулот намунасини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси;

талабгорнинг Тендер ҳужжатлари тўплами (китоби)ни сотиб олиш учун тўловини тасдиқловчи тўлов топшириқномаси асл нусхаси.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши шарт.

Талабгор — хорижий корхона ва ташкилотлар учун:

талабгор — корхона тўғрисида халқаро масштабдаги аудитор компания хулосаси (ҳисоботи, изоҳ-тушунтириш хатини илова қилган холда). Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик ташкилотлари ва ёки ваколатхоналарида легаллаштирилган бўлиши шарт;

талабгорнинг юридик шахс сифатида Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси (мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик ташкилотлари ва ёки ваколатхоналарида легаллаштирилган бўлиши шарт);

талабгорнинг Ишчи органига тендер таклифига мос маҳсулот намунасини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси;

талабгорнинг Тендер ҳужжатлари тўпламини сотиб олиш учун тўловини тасдиқловчи тўлов топшириқномаси асл нусхаси.

Саралаш босқичи тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги санасидан бошлаб бир ҳафта муддат ичида ўтказилиши кўзда тутилади.

Агарда тендерда республикамиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналар билан бирга импорт товарлари етказиб берувчи хорижий корхоналар иштирок этганда, қонунчилик билан ўрнатилган тартибда республикамиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналарга 20 фоизгача миқдорда нарх имтиёзлари берилади.

Тендер савдоларида ғолиб деб топилган корхона ва ташкилотлар «Ўқув таълим-таъминот» ДУК билан имзоланган шартномалар бўйича барча мажбуриятларини 2012 йил 1 июль муддатигача бажаришлари талаб этилади.

Тендер савдоларида харид қилинадиган маҳсулот — **Пластилин,** миқдори — **503 838 пачка,** бир пачкасининг энг юқори нархи — **2 200 сўм.**

Тендер савдоларини ўтказиш жараёнлари ва тартиби ҳақидаги қўшимча маълумотни олиш истагида бўлган талабгорлар Тендер комиссиясининг Ишчи органи ҳисобланган «Ўқув таълим-таъминот» ДУКга эълон чоп этилган санадан бошлаб (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) ҳар куни соат 10:00дан 17:00га қадар қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Ишчи орган манзили: *Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 3-берк кўча, 92-уй.*

Тел: (+99871) 267-01-83; 267-74-50; 267-28-70. ***Факс:*** (+99871) 267-71-16.

Бундан ташқари, мазкур тендер савдолари ҳақидаги маълумот Халқ таълими вазирлигининг www.uzedu.uz электрон сайти ҳамда давлат харидлари портали (xarid.uz) дан олиш мумкин.

Тендер ҳужжатини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар Ишчи органининг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига 350 000 (уч юз эллик минг) сўм миқдорида қайта қопланмайдиган пул маблағини пул ўтказиш йўли билан тўлаганларидан сўнг олишлари мумкин:

Ишчи орган банк реквизитлари: *Ҳисоб рақами № 20210000700101561002, АТИБ «Ипотека» банки, Меҳнат бўлими,* ***МФО:*** *00423,* ***ОКОНХ:*** *71100,* ***ИНН:*** *200524742.*

Барча тендер таклифлари тендер ҳужжатининг 12.1-бандига мувофиқ, тендер таклифи суммасидан 3 (уч) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат суммаси билан бириктирилган бўлиши шарт ҳамда тендер таклифларини топширишнинг охирги кунигача ўтказилган бўлиши талаб қилинади (барча тўловлар сўмда амалга оширилади).

Закалат суммаси билан бириктирилмаган тендер таклифлари Тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари 2012 йил 27 апрель соат 15:00 дан кечиктирилмаган ҳолда юқорида кўрсатилган манзил бўйича Ишчи органга тақдим этилиши лозим (шанба ва якшанба кунларидан ташқари).

Тендер таклифлари (конвертлар)нинг очилиши Тендер комиссияси томонидан аниқланган жойда ва санада амалга оширилади. Бу ҳақда талабгорга Тендер комиссиясининг Ишчи органи томонидан қўшимча хабар қилинади.

Тендер таклифлари (конвертлар) очилишида талабгорлар вакиллари иштирок этишлари мумкин.

ОБ-ҲАВО 27-28 – 03. 2012

Юртимиз бўйлаб (°С)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+2 / +7	+18 / +23
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+5 / +10	+20 / +25
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	+5 / +10	+20 / +25
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	+5 / +10	+22 / +27
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	+3 / +8	+17 / +22
Тошкент шаҳри	+5 / +7	+20/ +22

Дунё бўйлаб (°С)

Лондон	+7 / +8
Париж	+9 / +9
Москва	-7 / -7
Мадрид	+7 / +7
Пекин	+5 / +5
Гонгконг	+17 / +18
Рим	+5 / +4
Анқара	+1 / 0
Токио	+3 / +7
Стокгольм	+7 / +6
Кейптаун	+14 / +19
Қоҳира	+12 / +14
Гавана	+25 / +24
Вашингтон	+15 / +14

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси С.Юнусов номидаги Ўсимликлар моддалари кимёси институти жамоаси гликозидлар кимёси лабораторияси мудири, кимё фанлари доктори, профессор **Магомед Иса ўғли ИСАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 31 март, шанба куни чиқади.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Г — 346
19850 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 23.20
Topshirilgan vaqti — 02.30
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV
ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5